



Сиз бизнинг саййидимизсиз. У зот: «Саййид Аллоҳ таолодир» дедилар. Биз дедик: «Сиз бизнинг энг афзалимизсиз ва ичимизда дўстларга меҳрибон, душманларга қаҳрлисисиз». У зот дедилар: «Ўзларингизнинг оддий гапларингизни гапиринглар ёки шу айтган сўзингларингизнинг баъзиларини айтинглар. Шайтон сизларни ўз йўлига солиб, олиб кетиб қолмасин (ёки шайтон сизларни ҳар хил гапларни гапиришга журъатлик қилиб қўймасин)» дедилар

Абдуллоҳ ибн Аш-Шиххир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у кишининг шундай деганлари айтилади: «Мен Бану Омирнинг вакиллар гуруҳида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига жўнадим. Етиб борганимизда У зотга қараб дедик: Сиз бизнинг саййидимизсиз. У зот: «Саййид Аллоҳ таолодир» дедилар. Биз дедик: «Сиз бизнинг энг афзалимизсиз ва ичимизда дўстларга меҳрибон, душманларга қаҳрлисисиз». У зот дедилар: «Ўзларингизнинг оддий гапларингизни гапиринглар ёки шу айтган сўзингларингизнинг баъзиларини айтинглар. Шайтон сизларни ўз йўлига солиб, олиб кетиб қолмасин (ёки шайтон сизларни ҳар хил гапларни гапиришга журъатлик қилиб қўймасин)» дедилар.

[Тўғри матн] [Абу Довуд ва Ахмад ривояти]

Бир жамоат Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди. Етиб келганларида У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмон кўрадиган баъзи сўзларни айтдилар. «Сиз саййидимизсиз», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саййид Аллоҳдир», дедилар. У Зот махлуқотлари устидан тўлиқ ҳукмрон ва улар Унинг бандаларидир. «Сиз бизнинг энг афзалимиз, энг олий мартаба ва шараф эгасисиз. Ичимизда дўстларга меҳрибон, душманларга қаҳрлисисиз, энг саҳий, олий ва даражаси улуғсисиз», - дедилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни одатдаги сўзларни айтишга, ўзларини ҳар хил бошқа мақтовлар учун урунтирмасликка йўлладилар ва уларни шайтон ғулувга олиб бориб ширк ва унинг василаларини қилдириб қўйишидан қайтардилар.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

